

ДОРИХОНАНИ ҚИЙНАЁТГАН GPP БҮЙИЧА САВОЛЛАР

- Дорихонада юритилиши керак бўлган журналларни электрон шаклда (1С ёки бошқа дастурларда) юритиш мумкинми?*

Дастурий таъминот орқали тегишли қайдларни юритиш мумкин. Ушбу ҳолатларда, электрон тизимда ишлаш жараёнини валидация қилиниши, қайдлар фақат масъул ҳодимлар томонидан юритилишни ҳамда электрон архивлашни жорий қилиш, шунингдек, дорихонада электр таъминоти узилиши билан боғлиқ хавфни олдини олиш чораларини, яъни муқобил электр таъминотини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

- Дорихона (филиал) мудири бир вақтнинг ўзида дорихонада сифат учун масъул шахс бўлиши мумкинми?*

Дорихона (филиал) мудири бир вақтнинг ўзида дорихонада сифат учун масъул шахс бўлиши мумкин. (Албатта иш ҳажмини ҳамда шахобчалар сонини ҳисобга олган ҳолда. Агар улгура олса)

- Сифат учун масъул шахсга қўйиладиган минимал талаблар қандай?*

Сифат учун масъул шахс тегишли малакавий талабларга жавоб бериши ҳусусан, фармацевтик маълумотга ҳамда фармацевтика фаолияти бўйича иш стажига эга бўлиши, тегишли фаолият бўйича малака оширган, шу қаторда GPP бўйича, ва соҳага доир амалдаги хуқуқий ва меъёрий талабларни билиши лозим. Сифат учун масъул шахс фармацевтик маълумот эга бўлиши шартлиги белгиланган конкрет хужжат мавжуд эмас, фармацевт бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, О‘zMSt 140:2024 “Zarur dorixona amaliyoti (GPP)” – янги тахирдаги миллий стандартнинг 5.5-банди: Сифат тизими учун масъул шахс фармацевтика соҳасига оид таълим ва тегишли малака, тажриба ва билимга ега бўлиши керак деб белгиланган. Янги тахирдаги миллий стандартнинг амалга кириш санаси 26 июн 2024 йил.

- Дорихонадаги карантин зонасини шароитга қараб (хоҳлаган) хонага жойлаштириши мумкинми?*

Карантин худудида махсулотни сақлаш жараёни амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, карантин худудини хаво параметрлари назорат қилинадиган ва хавфсиз сақлаш шароити мавжуд бўлган худудда, масалан дорихона омборхонасида ташкил қилингани мақсадга мувофиқ.

5. Асосий дорихонадаги дорини қабул қилиши зонаси - экспедиция хонасида бўлишига рухсат этиладими?

Дорихонада қабул қилиш ва экспедиция ҳудудлари маҳсулотларни араласиб кетиш ҳавфидан ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида жойларда (зоналарда) ташкил қилиниши мақсадга мувофик. Агар қабул қилиш ва экспедиция ҳудудларини баъзи бир сабабларга кўра бир биридан алоҳида ташкил этиши имкони бўлмаса, унда бир хонада (экспедиция хонасида) ташкил этилиши мумкин, фақатгина ушбу жараёнларни амалга ошириш вақтида қабул қилинаётган ва жўнатилаётган маҳсулот араласиб кетиши олдини оловчи чораларни қўзда тутилиши лозим, масалан ушбу ҳудудлар алоҳида белгиланиши, ёрликланиши ва жихозланиши керак. Бир вақтнинг ўзида қабул қилиш ва жўнатиш жараёнларини амалга оширмаслик лозим.

6. Мақсадидан келиб чиқиб, юритиладиган айрим журналларни умумлаштириши мумкинми? Масалан, музлатгичлар учун 2 та журнал тутилади: биринчиси $+2+8^{\circ}\text{C}$ назорати учун, иккинчиси $+8+15^{\circ}\text{C}$ назорати учун. Қулайлик учун шу каби журналларни биттага бирлаштириши мумкинми?

Мақсадидан келиб чиқиб, юритиладиган айрим журналларни умумлаштириш мумкин. Бироқ бунда, юритиладиган қайдларнинг аниқлиги ва моҳиятига таъсир кўрсатмаслиги шунингдек, маълумотни араласиб кетиш ҳавфини олдини олиб ташкил этиш лозим.

7. Сичқон ва каламушлар учун қўйиладиган қопқон айнан қайси хонага жойлаштирилиши керак?

Сичқон ва каламушлар учун қўйиладиган қопқонлар асосий мақсадидан келиб чиқиб кемирувчиларни дорихона ҳудудига кириб келишини олдини олиш учун маҳсулотни кўчадан дорихонага қабул қилиш/экспедиция хоналарига қўйилади. Шунингдек, қўшимча эҳтиёт чоралари сифатида ҳодимлар (овқатланиш) хонаси ҳамда омборхонага жойлаштирилиши ҳам мумкин.

8. Омборхона ва савдо залида ҳар бир қатор "полка"ни номлаш ўрнига, энг юқоридаги битта "полка"ни умумий фармакологик гурӯҳ билан номлаб қўйсак бўладими? Бу аслида савол эмас - балки қилиши мумкин бўлган энг тўғри иши.

Ҳар бир дорихона шундай турдаги белгиларни ўзининг тажрибасидан келиб чиқиб ўзига қулай тарзда жойлаштириши мумкин. Бунда

стандарт талабларидан бири бўлган маҳсулотни хавфсиз ва тартибли, шу қаторда ходимлар адашиб кетишини олдини олган ҳолда, сақланишини таминлашга эришиш лозим.

9. *GxP бўйича экспертга таклиф: деярли ҳамма дорихоналарда музлатгич ичига оддий хўжалик буюмларида сотиладиган термометрлар ўрнатилган. Кўпчилик дорихоналар шу танловда қолишини маъқул деб ҳисоблагани учун - шу термометрни тўғри танлов сифатида қабул қилишингиз керак.*

O`zDSt 3127:2016 давлат стандартининг 5.8-бандида, Дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлаш хоналари ҳаво параметрларини қайд этувчи асбоблар (термометрлар, гигрометрлар ёки психрометрлар) билан таъминланган бўлиши, 6.4-бандида эса дори воситаларини ва тиббий буюмларни меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, уларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи шароитларда сақланиши шунингдек, 4.4-бандида дорихона ўз фаолиятида санитария-эпидемиология қоидалари ва меъёрлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари, ёнфинга қарши ва бошқа талаблар асосида амалга ошириши кераклиги белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, дорихонада тегишли асбоб ускуналардан фойдаланганда яхши дорихона амалиёти талаблари асосида амалга оширилиши, шу қаторда музлаткичда фойдаланиладиган термометр қиёслаш сертификатига эга бўлиши керак.

10. *GPP га ариза топширган дорихонага неча иш кунида шартнома жўннатилади?*

ЎзР ВМ нинг 788-сонли қарорида тасдиқланган “Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ, корхона томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқлиги юзасидан ариза ишчи орган томонидан бир иш қуни мобайнида ўрганилади. Ўрганишнинг ижобий натижаси асосида ариза рўйхатдан ўтказилади ва уч иш кунидан кечикмай фармацевтик инспекция ўтказиш бўйича шартнома ариза берувчига етказилади. Шунингдек, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, ишчи орган бир иш кунидан кечикмай ариза берувчига етмайдиган ҳужжатларни етказиш ҳақида хабар қиласди.

Ариза берувчи томонидан етмайдиган ҳужжат ўн иш кунида тақдим этилмаган тақдирда ариза қайтарилиши мумкин.

11. 90 кунлик "САРА" муддати ўтганидан кейин - дорихона кўрсатилган камчиликларни бартараф этишига улгурмаса, яна қайта ариза топширадими? Тўловлар ҳам яна бошидан қилинадими?

Агар дорихона фармацевтик инспекция жараёнида аниқланган номувофиқларни инспекция хulosаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 90 иш куни мобайнида бартараф этишига улгурмаса, ЎзР ВМ 788-сон қарорининг 24-бандида белгиланган тартибда муддатни узайтириш сабабларини асослаган ҳолда ишчи органга ёзма равишда муроржаат қилганда номувофиқликларни бартараф этиш муддати бир маротаба бир ойдан қуп бўлмаган муддатга узайтириб берилиши мумкин ва бунда тўловлар яна бошидан амалга оширилиши кўзда тутилмаган. Аризачи мурожаат этмаган ҳолда сертификатни расмийлаштиришни рад этиши юзасидан қарор қабул қилинади ҳамда сертификатлаштириш жараёни бошидан янги ариза асосида қайта бошланади.

12. Айрим кулгули ва фақатгина ишилаб чиқаришидаги талабларни юмшатиши керак. Масалан, дорихонада нечта хона бўлса - шунча миқдорда швабра, пол-латта ва бошқ. Мана шу талабни юмшатиши керак, бажариладиган вазифалари бир хил бўлган хоналар учун битта тозалаши анжомлари тўплами етарли. Масалан, тиббий буюмлар омборхонаси билан дорилар сақланадиган омборхона учун - битта тозалаши тўплами етарли ва ҳоказо.

Албатта, дорихонада тозалаш анжомларини контаминация хавфини инобатга олган ҳолда, бирлаштириш мумкин. Бундай ишларни дорихона ички хужжатларида белгилаши ва амалда юритиши лозим.

13. Сичқон ва каламушлар учун "тирик" тутадиган қопқон қўйилса, "тирик" тутилган жонивор (ҳайвон)ни йўқ қилиши тартиби қандай бўлади?

Кемирувчиларга қарши қурашиб ишларини амалга оширилганда қай турдаги қопқон қўлланилиши дорихонага боғлиқ. Агарда кемирувчиларни тирик тутадиган қопқон қўлланилса, тирик тутилган кемирувчини ўрнатилган ички тартибга мувофиқ (СОЖ) харакатлар амалга оширилади. Масалан, кемирувчиларга қарши қурашиб шаралар самарали эканлигини исботлаган ҳолда

кемирувчини қопқон ёрдамида ушланганлигини тегишли журналга қайд қилиб (ушланган сана, сони ва унга кўрилган чора), махсулот ва дорихона фаолиятига заарар келтирмаган холатда дорихона худудидан ташқарида қўйиб юбориш ёки йўқ қилиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

14. Дорихонада фаолият олиб борувчи ҳайдовчи - тиббий дафтарчага эга бўлмаслигига рухсат этиладими?

“Санитарные правила и нормы устройства, оборудования и эксплуатации аптек” СанПиН РУз 0337-16 хужжатининг 7.5 бандига ҳамда O‘zDSt 3127:2016 “Яхши дорихона амалиёти - GPP” давлат стандартининг 7.3 бандига мувофиқ ҳамма ходимлар белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишлари белгилаб қуйилган. Тиббий дафтарча ўз ўрнида ходимни тиббий кўрикдан ўтганлигини тасдиқловчи хужжат.

15. Сизнинг талабингиз бўйича ташкил этилган карантин зонада жойлашган қулфланадиган шкафни ичида - қанча муддатгача яроқлилик муддати ўтган дори воситаларини сақлаш мумкин? Яъни яроқлилик муддати 1 йилгача ўтиб кетган дориларни ҳам шу шкафда сақлашга рухсат этиладими?

GxP стандартларида юритиладиган тушунчаларга кўра: карантин - алоҳида хонада ёки бошқа самарали усуллар билан изоляцияланган махсулотларнинг реализацияга рухсат берилиши ёки рад этилиши ҳақидаги қарор қилингунга қадар бўлган мақоми (масалан, адашиб келган махсулот, дистрибьюторга қайтарилиши кутилаётган махсулот ва бошқалар). Саволда кўрсатилган яроқлилик муддати тугаган махсулот номувофиқ махсулотлар турига кириб, уни карантин худудида сақлаш мақсадга мувофиқ эмас. Уни мувофиқ махсулотлар билан аралашиб кетишини олдини олиш чоралари кўрилиб алоҳида ажратилган ва белгиланган (албатта ички хужжатларда - СОЖларда кўрсатилган) худудда сақлаш лозим. Сизнинг саволингиздан яроқлилик муддати тугаган махсулотни 1 йилгача сақлаш мақсади нимада деган савол туғилади. Дорихонангизда номувофиқ махсулотни сақлаш тартиби ички хужжатингизда тартибга солинган бўлиб ушбу тартиб ЎзР қонун ва қонуности хужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

16. Савдо залига махсус вентиляцион тизим ўрнига - оддий кўринишига эга бўлган, деворни ичига ўрнатилган, электр токида ишлайдиган ҳаво алмаштиргични ўрнатиш мумкини?

О‘zDSt 3127:2016 “Яхши дорихона амалиёти – GPP” давлат стандартининг 5.6 бандига мувофиқ дорихона хаво алмаштириш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим. Қай тарздаги тизим ўрнатилиши дорихона томонидан танланади. Натижада дорихонадаги махсулотни сифатига тасир кўрсатмаган тарзда хаво алмашишини таъминлашга эришиш лозим.

17. "Соғлом ҳаёт тарзи" - бурчаги дорихонанинг қайси қисмига ўрнатилиши керак?

О‘zDSt 3127:2016 “Яхши дорихона амалиёти – GPP” стандартининг 8-бандига мувофиқ ахолига касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Саволда кўрсатилган "Соғлом ҳаёт тарзи" – бурчаги ушбу чора-тадбирнинг бир инструменти бўлиб дорихона савдо залининг мижозларга қулай ва осон фойдалана олиши мумкин булган жойида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

18. "Соғлом ҳаёт тарзи" - бурчагининг тематик мавзуларини беринг.

“Соғлом ҳаёт тарзи” - бурчагининг тематик мавзулари умумий талаблар ва индивидуал имкониятларни инобатга олган холатда ишлаб чиқилиши мумкин. Масалан:

Соғлом турмуш тарзини ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш бўйича чоралар.

Соғлом турмуш тарзини ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш (айниқса пандемия шароитларида) зарур дорихона амалиётининг дори воситаларидан оқилона фойдаланиш (шу жумладан, уларни суиистеъмол қилишни олдини олиш ва улардан нотўғри фойдаланишни камайтириш), ахолининг санитария ва касалликлар профилактикасига оид билимларини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб бориш режасини ишлаб чиқиши.

Касалликлар профилактикаси сифатида қуйидаги чоралар кўришдан иборат:

- ҳаёт сифатини яхшилаш;
- касалликлар юзага келиши хатарини олдини олиш;
- касалликлар белгиларини илк босқичда аниқлаш;
- касаллиқдан даволаниш вақтларида сифати кафолатланган, самарали, хавфсиз воситалардан оқилона фойдаланиш.
- касалликлар қайталанишининг олдини олиш;

Соғлом ҳаёт тарзини ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш – жамоатчилик саломатлигини таъминлаш бўйича чора тадбирлар:

- тиббий профилактика бўйича ишларнинг самарадорлигини янада ошириш,
- инфекцион ва ноинфекцион касалликлар профилактикаси бўйича чораларни кўриш,
- аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш буйича фаоллик даражасини ошириш,
- дори препаратларидан оқилона фойдаланиш (шу жумладан уларни суиистеъмол қилишни ва улардан нотўғри фойдаланишни олдини олиш),

Дори препаратларини тўғри реализация қилиш, шу жумладан шифокор рецептисиз реализация қилиш мумкин булган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш, аҳолига дори препаратлари борасида фармацевтик маслаҳатларни тақдим этиш, шунингдек, дорихона ассортименти маҳсулотларини қўллаш масалалари бўйича маслаҳатларни тақдим этиш ишлари дорихонанинг фармацевт ходимлари томонидан тиббий этика ва деонтология тамоилларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш.

Соғлом турмуш тарзини ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш учун фармацевтлар:

- аҳолининг гигиена, тўғри ва соғлом овқатланиш, тўғри кун тартибига риоя қилиш, жисмоний фаоллик, заарли одатлардан воз кечиш (кашандалик, алкоголь, ҳаддан ташқари кўп овқатланиш) ва бошқа масалалар бўйича консультациялар ўтказиши;
- дорихона жойлашган худуднинг иқлими, ахолисининг имкониятлари, ёш даражалари каби ижтимоий курсаткичларни хисобга олиб юкоридаги вазифалар юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва хоказо.

19. Асосий дорихона омборхонасига филиалда фаолият юритувчи ходимларнинг кириши мумкини ёки жадвал кўринишидаги буйруқ ишилаб чиқилиши шартми?

Дорихонанинг сифат тизими хужжатларида асосий дорихона ва филиал ходимларининг қандай тартибда асосий дорихона омборидан фойдаланиш тартиби белгилаб олиниши лозим. Шу жумладан, асосий дорихона омбори ва филиал омборига ходимлар кириб чиқиши тартиби белгиланган бўлиб назорат остида бўлиши мақсадга мувофиқ.

20. Нотўғри фармакологик гуруҳ бўйича жойлаштирилган дори воситаларини қўпол хато сифатида қабул қиласлик керак. Муҳими - сақлаш шароити тўғри танланган бўлса бўлгани!

“Яхши дорихона амалиёти – GPP” О‘зDSt 3127:2016 Давлат стандарти талабига мувофиқ Дори воситаларини ва тиббий буюмларни меъёрий хужжатларга мувофиқ (шу қаторда ички сифат менеджменти тизими хужжатлари), уларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи шароитларда сақланиши керак. Шунингдек, шу йўл билан дори воситаларини сақлаш ва реализация қилиш жараёнида аралашиб кетиши олди олиниши кўзда тутилган.

ЎзР ВМнинг 788-сон қарорида номувофиқликлар таснифи келтирилган бўлиб, ушбу таснифда қўпол хато тушунчаси мавжуд эмас. Ўта жиддий, жиддий ва жиддий бўлмаган номувофиқликлар тушунчалари келтирилган. Дори воситаларини нотўғри фармакологик гурухи бўйича жойлаштирилиши жиддий бўлмаган номувофиқлик деб ҳисобланади.

21. Дорихонада юритиладиган журнallарни алоҳида ип билан тикиб, мухрламасдан тутиши мумкинми? Умуман олганда, дорихонани ўзидан бошқа ҳеч кимга керак бўлмаган назорат ва қайд қилиши журналини шу тартибда ип билан тикиб, тамгалаши қанчалик зарур?

Умумий амалиётдаги тажрибадан келиб чиқиб дорихонада юритиладиган журналлардаги маълумотлар соҳталаштирилишини ва йўқ қилинишини олдини олиш мақсадида журнал вароқлари рақамланиши, шнурланиши, мухрланиши ва масъул ходим томонидан имзоланиб юритилиш мақсадга мувофиқ.

22. Дорихонани GPP бўйича озода сақлашда ишлатиладиган иичи эритмаларни таркиби ва уларни тайёрлашни тушунтиринг.

СанПиН РУз 0337-16 “Санитарные правила и нормы устройства, оборудования и эксплуатации аптек” хужжатининг 1-иловасида объектларнинг дезинфекция тартиби белгиланган. Ушбу тартибга мувофиқ дорихонада ишлатиладиган иичи эритмалар таркиби ва концентрацияси белгилаб берилган. Унга кўра дорихонада қўлланиладиган дезинфекция учун ишлатиладиган эритмалар қўйидагилардир: таркибида хлор сақловчи эритма 0.5%, перекис водород 3%, этил спирти 70%.

23. Биз ўз СОП ларимизда дори воситалари учун сертификатлар базаси сифатида <https://www.uzpharm-control.uz/uz/registries/certified-medicines> сайтини кўрсатганмиз. Дорихонани тезлик билан бирор дори воситасига

тегишили сертификатни топиб бершида - шу сайтдан олинадиган натижаларга GPP инспекторларини қониқишини сўраймиз.

“Яхши дорихона амалиёти – GPP” О‘zDSt 3127:2016 давлат стандартининг “Дорихонада сифатни таъминлаш тизими” 13.3-бандига мувофиқ сифатни таъминлаш тизими дori воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга мўлжалланган бўлиб, унинг асосий талабларидан бири бу дori воситаларини ва тиббий буюмларни сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати бўлиши лозимлигидир. Саволда кўрсатилган сайтда фармацевтика маҳсулотига оид сифатни тасдиқловчи сертификатлар мавжуд (уларнинг актуаллиги қай тарзда олиб борилиши инобатга олиниши лозим). Дорихонага ташриф буюрган харидор томонидан дori воситасини сифатини тасдиқловчи хужжат сўралган тақдирда ушбу харидорга мувофиқлик сертификатини курсатиш имконияти яратилиши лозим.

24. Сизнингча, дорихона омборхонасида деразанинг бўлиши қанчалик номутаносиблик? Маҳсус қуёшдан тўсувчи мосламаларнинг ўрнатилиши юқоридаги номутаносибликтининг ечими сифатида кўриладими?

Дорихона омборхонасида дераза бўлиши – номутаносиблик хисобланмайди. Аммо ўз ўрнида унумаслик лозимки, дераза ромлари маҳсус қуёшдан тўсувчи мосламалар (масалан жалюзи ёки химоя плёнка) билан таъминланишини, ва омборхонада сақланаётган маҳсулот сифатига хавф туғдирмаслиги лозим.

25. Дорихона савдо зали ва омборига электрон термометр ўрнига - психрометрик гигрометр ўрнатилган, иккала ускуна ҳам бир хил вазифани бажариишини ҳисобга олиб, ўрнатилган гигрометрни GPP талабига мувофиқ дея қабул қиласизми?

“Яхши дорихона амалиёти – GPP” О‘zDSt 3127:2016 давлат стандарти: “Бинолар ва асбоб-ускуналар” 5.8-бандига мувофиқ дori воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш хоналари ҳаво параметрларини қайд этувчи асбоблар (термометрлар, гигрометрлар ёки психрометрлар) билан жиҳозланган бўлиши керак деб белгилаб қўйилган. Саволда кўрсатилган ҳаво параметрларини ўлчаш ускуналариниг турларига келсак, авваламбор улар қиёслаш сертификатига эга бўлиши лозим, шунингдек маълумки бази ташкилотларда ВИТ2 ускунаси мавжуд бўлиб, ушбу ускуна ҳаво харорати $+16,0^{\circ}\text{C}$ дан паст булган тақдирда аниқ кўрсаткични аниқлаш имконини бермайди, шунингдек дорихоналар ходимларнинг аксарияти ушбу ускунадан фойдаланиш қоидаларини билмайди (намликни назорат қилишни). Юқоридагилардан келиб чиқиб, дорихона ўзига мақул булган ускунадан

фойдаланиши мумкин, аммо ускуна қиёсланган ва хаво параметрларини аниқ кўрсатадиган, ходимлар кўрсаткичларни аниқ қайд эта оладиган бўлиши лозим.

26. Дорихона савдо залидаги табиий (эшик, дераза) ҳаво алмашинувини - вентиляция тизими сифатида қабул қилинадими?

“Яхши дорихона амалиёти – GPP” О‘zDSt 3127:2016 давлат стандартининг 5.6-бандига мувофиқ дорихона ҳаво алмаштириш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим. Натижада дорихонадаги маҳсулотни сифатига тасир кўрсатмаган тарзда ҳаво алмашишини таъминлашга эришиш лозим. Фақатгина табиий ҳаво алмашинувини қўллаш йилнинг энг совуқ даври ва энг иссиқ даврида мақсадга мувофиқ эмас. Шундан келиб чиқиб дорихона ҳаво алмаштириш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим. Қай тарздаги тизим ўрнатилиши дорихона томонидан танланади.

27. Айрим инспекторлар томонидан асосий дорихонада жойлашган тиббий буюмлар хонасига ҳам бактерицид лампа ўрнатилиши талаби қўйилмоқда. Бу талабни ортиқча деб биламиз, Сиздан ушбу талабни олиб ташлашни сўраймиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарорига мувофиқ, “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона” низомининг, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш бўлимида, дорихона (филиаллар) дизенфекциялар ишларини профилактикасини ўtkазиш учун кўчма кварц лампалар билан таъминланган бўлиши керак. Яъники, асосий дорихонада жойлашган тиббий буюмларни сақлаш хонасида дезинфекция ишларини олиб бориш учун кўчма кварц лампалар етарлидир.

28. 2024 йил сентябрь ойидан бошлиб GPP сертификатини олмаган ёки ҳеч бўлмаганда GPP олишига ариза топширмаган тармоқли дорихоналарга оптовиклардан товар чиқарилишини чекланиши ва тўхтатилиши қанчалик ҳақиқат?

Ҳозирги кунда ушбу тартибни белгиловчи хужжат мавжуд эмас.

29. Дорихонани хоналари бошқатдан GPP га мослаштирилса-ю, лекин кадастр ҳужжатларини янгилаш бўйича оқсоқланиши (кечикиши) бўлса - шу ҳолатга вақтинчалик кўз юмиладими?

Бугунги кунда дорихонада фармацевтик инспекция ўтказиш жараённида дорихона бино ва хоналаридан фойдаланиш хукуқини берувчи хужжатлар ўрганилади. Саволда кўйилган вазиятга дуч келинган тақдирда, дорихона бино ва хоналарга тегишли хужжатлар актуаллаштирилаётганлигини

тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилади ва бу ҳолат номувофиқлик деб ҳисобланмайди.

30. GPP талаби бўйича дорихона витринасидан ичкарига фақатгина рўйхатда келтирилган ҳодимларгина киришига ҳақли, бегона шахслар кириши тақиқланади. Бегона шахсларнинг кириши дорихонада юритилаётган сифат тизимини бузиши мумкин. Бу талаб дорихонага ташриф буюрган солик идораси ҳодимларига ҳам тегишлими? СОП да келтирилган бу талаб билан биз назорат қилувчи ҳар қандай органнинг вакилларини ичкарига киритмасликка қанчалик ҳақлимиз? Сифат назорати тизимини сақлашдаги ушибу қоида ҳамма учун баробар бўлиши шарт!

Сифат менежменти тизимиға оид хужжатларда (СОЖларда) ташриф буюрувчиларни дорихонага киритиш тартиби белгиланиши лозим. Дорихонага ташриф буюрган солик идораси ҳодимлари ёки Зарур амалиётлар маркази инспекторларини дорихона витринасидан ичкарига киритишдан аввал ташриф буюрувчи шахс Ф.И.О., иш жойи ҳамда ташриф буюриш мақсади тегишли журналда қайд қилиниб, унга дорихонада ўрнатилган тартиблар юзасидан кўрсатма ва тушунтиришлар (инструктаж) ўтказган ҳолда киритилади.

31. GPP бўйича консалтинг хизматини кўрсатаётган хусусий ташкилотлар қонун билан белгилаб қўйилган сифат назорати ва GxP билан боғлиқ бўлган бирор-бир сертификатга эга бўлиши керакми?

Дорихона фаолиятида консалтинг компанияларни хизматидан фойдаланиши ихтиёрий бўлиб, бу аутсорсинг фаолиятдан фойдаланиш деб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, аутсорсерларни дорихона ўз ресурсларидан келиб чиқиб баҳолаши ва танлаб олиши лозим. “Зарур амалиетлар маркази” ДУК томонидан дорихоналарга GPP стандарти талабларини жорий этиш бўйича консалтинг хизматини кўрсатаётган корхоналарга қўйилган талаблар мавжуд эмас. Ўз ўрнида, консалтинг компаниялар ҳизматидан фойдаланмасдан дорихонанинг ҳодимлари ўз билимларини оширган ҳолда, ўзларига юклатилган ишларни тегишли СОЖларга тўлиқ ва аниқ киритиб, ҳар бир амалга ошираётган ишларини мазмун-моҳиятини батафсил тушуниб етган ҳолда фаолият кўрсатиши тавсия қилинади.

32. Дорихонани GPP га тайёрлашдаги намунавий маркировкалар - наклейка, табличка ва ёзувларнинг электрон ёки расм кўринишдаги тўлиқ намунасини беринг.

Саволга аниқлик киритилиши лозим, айнан қаёрда ишлатиладиган маркировка ҳақида гап бормоқда?

Агарда хона ва жихозлар маркировкаси назарда тутылган бўлса, хар бир дориҳона ўзини ички тартиби ва СОЖларидан келиб чиқиб ўзига мослашган ва стандарт талабларига зид бўлмаган ёрлиқларини қўллаши мақсадга мувофиқ.